



АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кеча бўлиб ўтган мажлисида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг 2005-2007 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

рурлиги алоҳида ургу берилган дастурий нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш нўқтаи назаридан ўрганиб чиқилди.

Ижроқўм йиғилиши

ФАОЛИЯТГА ДАХЛДОР муҳим масалалар муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши Ижроия Қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Сийёсий Кенгаши Раёсати аъзолари, Сийёсий Кенгаш котиблари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва партия фаоллари иштирок этди.

Ижроия Қўмита йиғилишида "Адолат" социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловдаги иштироки, партиянинг 2008 йил бюджети ҳамда 2008 йилги иш режаси тўғрисидаги ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

шаҳар Кенгашларининг жорий харажатлари учун ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, аъзолик бадалларини йиғиш ҳамда партия наشري - "Адолат" газетасини моддий қўллаб-қувватлаш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққанлар партия ташкилотлари моддий-техник базасини янада кучайтиришга, уларни турли методик қўлланмалар, брошюралар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини билдирдилар.


МАҲОРАТ ВА АНИҚ ЁНДАШУВ

Қадимги юнон доғнишмандлари бир дарёнинг сувига икки марта чўмилиб бўлмайд, дейишган. Шу маънода, замонавий ахборот оқимини муттасил оқиб ва янгилашиб турадиган дарёга қийёслаш мумкин.

Ижроия Қўмита йиғилишида партия наشري - "Адолат" газетасига бош муҳаррир тайинлаш масаласи кўриб чиқилди. Унга кўра, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент вилояти бўйича раҳбари Холтур Раҳмонов "Адолат" газетасининг бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент кимё технологиялари институти қошидаги академик лицей халқаро талабларга мос тарзда жиҳозланган. Уқувчилар кенг ва ёруғ хоналарда замонавий билимларни ўзлаштиришмоқда. Ушбу имкониятлар самараси ўларок, ўтган йили лицейни тамомлаган аксарият уқувчилар ҳозирги кунда турли олий ўқув юрларида тахсис олишмоқда.



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат

"АДОЛАТ" СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Урганч тумани партия Кенгаши фаоллари тумандаги Кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидаги бошланғич ташкилот аъзолари билан учрашув ўтказди. Учрашувда бошланғич партия ташкилоти партиянинг негизи эканлиги таъкидланди, унинг сафини янада кенгайтириш ва аъзолик бадалларини йиғиш ҳақида сўз юритилди.

Фарғона шаҳар Ёрмозор академик лицейида "Адолат" СДП вилоят Кенгаши Хотин-қизлар кенгашининг 2008 йил иш режасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, Адлия бошқармаси мутахассислари ва бошқа мутаассадилар иштирок эттишти. Тадбирда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид маърузалардан сўнг савол-жавоб шаклида фикр алмашилди.

Бойсун тумани партия Кенгаши ҳамда Маданият ва спорт бўлими билан ҳамкорликда "Кизлар давраси" кўрик-танловини ташкил қилди. Унда иштирокчи қизлар бир неча йўналишларда ўз қобилиятларини намойиш этишти.

Танлов ғолиблари хомийлар томонидан муносиб тақдирланди.

Партия ҳаёти

ИШОНЧ ОРТМОҚДА

"Адолат" СДПнинг Булунғур тумани Кенгаши ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига кенг йўл очишга жиддий эътибор қаратмоқда. Ўтган йили туман партия Кенгаши фаоллари қўмағида ўндан ортиқ ёш оилаларга ўз шароитини яхшилаб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилди, 20 га яқин оилаларга эса қорамол сотиб олиб берилди.

Ана шундай ташаббускор ёшлар, уларнинг ҳўшқин изланиш-интилишлари туфайли туман иқтисодиётини юксалтириш, халқ таълими, тиббиёт соҳаларидаги айрим муаммоларни бартараф этиш, спортни ривожлантириш борасида сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Фақат кейинги икки йилда кишлоқларда ўнлаб спорт-соғломлаштириш марказлари бунёд этилгани сўзимиз тасдиғидир.

Партия Кенгашининг Ёшлар йили муносабати билан ўтказилган ранг-баранг тадбирларини тумандаги хомий ташкилотлар астойдил қўллаб-қувватлашмоқда. Шу туфайли бу ерда ижтимоий муаммолар юки қанамай, ёшларнинг ислохотлар жараёнидаги иштироки кучайиб бораётди. Қўвонарлик, янги авлод вакиллари сийёсий жараёнларда ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

Эътиборлиси шундаки, ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда, ёш оилаларнинг аҳил турмуш кечирishiларида партия ташкилоти ўтказилган жонли мулоқотлар, учрашувлар ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Яқинда туман ҳокимлиги биносидан ўтказилган бошқарув, ижтимоий муҳофаза, банк идоралари вакиллари иштирокидаги давра суҳбати ҳам ёшлар муаммоларига, уларни биргаликда ҳал этишга қаратилди.

Партиянинг аъзоларининг тенг ярмини ёшлар ташкил этиди, - дейди туман партия Кенгаши биринчи котиби Нажмиддин Боймуродов. - Гап сонда эмас. Муҳими, сафимиздаги ҳар бир ёш партия аъзоси зиммасидаги вазифа масъулиятини ҳис қила олганида.

Қисқаси, Булунғурда ёшлар "Адолат" СДПнинг дастурий гоёларига ишонишади. Унинг ташаббусларига бефарқ қарашмайди. Бундай ҳамкорлик, ҳамкорлик эса партиянинг оммавий ишлардаги фаоллигини оширмоқда

З.ЗОИРОВ,
«Адолат» мухбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» III МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммадаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намойён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янги ёндошувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» халқаро танловини ўтказди.

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган бу танловга 2007 йилнинг 31 мартидан 2008 йилнинг 31 мартигача - бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2008 йилнинг 10 апрелгача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун куйидаги мукофотлар таъсис этилган:
Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.
Асосий мукофотлар:
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение - 1-, 2-, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот - 1-, 2-, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет журналистика - 1-, 2-, 3-ўринлар);
Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баравари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.
Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баравари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.
Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баравари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.
Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:
— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
— фаол фуқаролик позицияси учун;
— ижтимоий-сийёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— Ёшлар йилига бағишланган энг яхши материал учун;
— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал

учун;
— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
— энг яхши журналистик текширув учун;
— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, аτροφумит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
— энг яхши режиссёрлик иши учун;
— йилнинг энг яхши дебюти учун;
— энг яхши фоторепортаж учун;
— энг яхши карикатура учун;
— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.
Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуетка ва энг кам иш ҳақининг 80 баравари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.
Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).
Телевидение бўйича видео-

материаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай қўрилишида бўлишидан қатъий назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.
Радиозиттиришлар (аудиокассета ёки систематик диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.
Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.
Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:
— Муаллифнинг исм-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
— паспорт нусхаси.
Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.
Танлов ғолибларини мукофотлаш 2008 йил 3 май - Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини тантанали равишда ўтказилади.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жиҳатилиши лозим:
Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий қўчаси, 30-уй.
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 144-64-62; 144-37-87; Факс: 144-69-65
E-mail: ijod@sarkor.uz www.Journalist.uz

ФЕРМЕР МУКОФОТГА "НЕКСИЯ" ОЛДИ

Самарқанд вилояти пахтакорлари ўтган йили соҳада ажойиб меҳнат натижасига эришган эдилар. Яқинда вилоят ҳокимлиги томонидан ана шу ютуққа муносиб улуш қўшган заҳматкаш деҳқонлардан бир гуруҳи муносиб тақдирланди.

Фаолият

ҚИЗИЛҚУМ ГЕОЛОГЛАРИ

Мамлакатимиз ҳудудининг геологик жиҳатдан ўрганилган узоқ тарихга эга. Айниқса, ўтган асрнинг 70-йилларида марказий Қизилқумдан "Давгустоғ" олтин конининг топилиши геологик қидирув ишларининг жадаллашувига туртки берди.

800 пагон метрга яқин ер ости ишлари бажарилди. Элмурод Эргашев бошчилик қилаётган бургулаш участкаси ишчи-хотимлари эса "Гарбий Учтепа" маъдан майдонларида, Житимтов ва "Сентябрь" олтин кони маъдан майдонларида тер тўкишмоқда.


Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, геологлар куни ва бошқа тарихий саналар кенг нишонланади, - суҳбатга қўшилиди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Худойёр Холмуродов.

Бир сўз билан айтганда, "Давгустоғ" дала геология қидирув экспедицияси давлат корхонаси жамоаси мамлакатимизнинг минерал хомашё негизини ривожлантириш ва кенгайтиришга қўшаётган ҳиссаси йил сайин салмоқли бўлаётти.

Хориж Хабарлари

Буюк Британия: ВАЗИР ИСТЕЪФОГА ЧИКДИ

Буюк Британия меҳнат ва нафақалар билан таъминлаш вазири Питер Хейн сиёсий кампанияларга қилинган хайриялар туфайли келиб чиққан жанжал оқибатида ишдан кетишга мажбур бўлди.



Хиндистон: ШИФОКОР КИДИРУВДА

Буйрақлар савдоси билан шуғулланувчи шифокорга нисбатан қидирув эълон қилинди.



Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти: ИЧСАНГ, АВТОМОБИЛЬ ЮРМАЙДИ

Хар йили дунёда ичкилик оқибатида келиб чиқадиган касалликлар туфайли 2,3 миллион одам ҳаётдан кўз юмади.




Таиланд: ҲУКУМАТ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ

Таиландда янги бош вазир тайинланди.

Сайёҳлик: ЖАҲОНГАШТАЛАР КЎПЯЯДИМИ?

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига қараганда, 2007 йилда дунё бўйича сайёҳлар оқими 2006 йилдагига нисбатан 6,2 фоизга кўпайиб, қарий 900 миллион кишига етган.



Ажабо! "ҚЎРҚОК ЙИГИТЧА" КЎЛГА ТУШДИ

Норвегияда аслида 33 ёшда бўлиб, 13 ёшли мактаб ўқувчиси сифатида тахсил олаётган чечиялик аёл кўлга олинди.



Ислоҳот ва самара

ЕР ЭЛНИ БОҚАДИ

дейди Денов тумани ҳокими Абдусамат Ҳожиқулов

Болалигимиз далада ўтган. Шундан бўлса керак, ерни ардоқлашга, унга меҳр билан муносабатда бўлишга ўрганганмиз. Ахир, ота-боболаримиз ерни боқсанг - ер элни боқди, деб бекорга айтишмаган.

Ҳосил кўтардик. Пахтачиликда ҳам мисли қўрилмаган натижаларга эришдик. Бунда фермерларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва фермер хўжаликларининг бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётгани кўл келди.



Пойтахтимизнинг Учтепа туманида фаолият юритаётган «Чевар» акциядорлик концерни ишлаб чиқараётган 40 дан ортиқ турдаги трикотаж маҳсулотлари нафақат мамлакатимизда, балки хориж давлатларида ҳам ўзининг сифатлилиги, арзонлиги билан харидорсир.

Замонавий дастгоҳларда 200 нафардан ортиқ ишчи ходимлар меҳнат қилишяпти. Айни пайтда корхона маъмурияти ишлаб чиқариш қувватини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш устида иш олиб бормоқда.

ИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШДИ

Кўкун шаҳридаги маҳаллалар аҳли табиий газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сувдан фойдаланганлик учун тўловларни яшаш жойининг ўзида амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

латиф келажаги" жамоат жамғармасининг амалий ёрдами катта бўлди.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Инсониятнинг минг йиллар мобайнида шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, дахлсизлигининг таъминланиши учун курашиш келган. Зотан, инсон ҳуқуқларининг эътирофи этилиши олий қадрият саналади.

XX асрга келиб инсон қадри-қиммати, ҳуқуқлари тан олинмиши йўлида дунё миқёсида кенг кўламли ҳаракатлар бошланиб кетди. Натижада, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1948 йили 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини ишлаб чиқди.

Жаҳон парламенти: БЕЛОРУСЬ МИЛЛИЙ МАЖЛИСИ

Тарихда «Оқ Рус» деб номланган ўлкани бугунги кунда дунё ҳамжамияти Белорусь Республикаси сифатида таниди. Мамлакат конституцияси 1996 йилги референдумда қабул қилинган бўлиб, унга кўра давлатни 5 йил муддатга сайланган президент бошқаради.

бошлигининг истеъфосини қабул қилади.

ВАТАН, МУСТАҚИЛЛИК, ЭЗГУЛИК

(Туркум)

Шаҳар янгилар ҳар кун қиёфасин.
Биргина сўзим бор башар аҳлига:
"Йулингиз тушганми Хайрат шаҳрига?"
...Бу сўзим қўямасин паршон айлаб.
Тошкентнинг иккинчи номидир Хайрат!

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ

Бораман "Эзгулик аркаси" томон,
Шаҳримнинг нақ юрак дарчаси томон.
Беқиёс манзара кўнглимни ҳушлар,
Бошимда чарх уриб сайрайди қушлар.
Яна одимлайман осойиш тортиб,
Дилда гурур ортиб, сурурим ортиб.
Узига сизмаган фаввора гўё
Менинг завқимни деб оввора гўё.
Пойимда ўз аксим кўрандай бўлиб,
Кўзунинг устида юргандай бўлиб,
Тўрт томон боқаман хайратим ошиб,
Нимадир келади кўнглимдан тошиб —
Ердан ё самодан кун келгандайин.
Ногоҳ балалikka дуч келгандайин —
Она ва болага тушади кўзим,
Бирини онам бўлса, бирини — ўзим!

"МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ" ПОЙИДА

Эй, Она!
Онажон!
Мушфиғим менинг,
Кўлингдаги эъзоз — ёшлигим менинг.
Мехрини ёддириб боқар кўзларинг,
Ва унда акс этар айтар сўзларинг.
— Болам!

Болажоним!
Деган бўласан —
Сен, ахир, ҳалол ризқ еган боласан.
Лафзи ҳалол бўлсин.

Ҳалол яшагин.
Ажрата бил дўстинг дон-у, хашагин.
Онда бўласан, маҳкам тутғил юзанин,
Бари дўст бўлмайди "дўстман" деганин.
Магар оқлай билсанг отанг ишончин,
Бешак қозонасан Ватан ишончин.
Ватан — бу киндик қон тўқилган тупроқ,
Сен унга меҳр қўй менадан ҳам кўпроқ.
Менадан-ку омонат жонни олади,

Сен Ватанга, Ватан сенга қолади!
Кўз тикиб турганинг — мовий осмоннинг,
Бахтлиман, бағримда сендай посбони!
Тупроққа қўриқчи, қўрғонга эза —
Бўлолмасанг, сендан умидим нега?
Мард инсон умрини музаффар яшар,
Ва номи тилларда узоқлар яшар.
Сен бўлган шу юртинг жасур ўлони,
Ботири бор элнинг тиңчидир қўрғони.
Ёруғ қушлар ҳаққи улғайсин, болам,
Айнан шу тупроқдан бошланур олам!
Шундай хитоб бўлди илганларим,
Елгонмас пойингда йиғлаганларим,
Кўнглим тўлиб кетди кўзим ёшларим,
"Ватан" сўзи билан умрим бошланиб!
Эй, Она!

Онажон!
Мушфиғим менинг,
Кўлингдаги эъзоз — ёшлигим менинг.

СЎНГ СЎЗ

Билмадим, шеъримни қайдан бошладим,
Балки тарих деган жойдан бошладим.
Буюк болаларнинг бир сўзи билан,
Қолгани Орифинг дил сўзи билан.
Ҳамон давом этар бошланган шеърим,
Кўп экан менинг ҳам айтарим, дерим.
Балки қиларгадир сўзларим ёқмас,
Мена отпоқ нарса улара оқмас.
Майли,

хурсанд қилиш қийин ҳаммани,
Кўнглимдагин эъдим, гапинг дағали.
Озод юртинг обод манзилларида,
(Бободехқон келин камзулларида)
Дийдор насиб этсин ёш-у, қариға,
Бир оғиз сўзим бор бари-барига.
"Мустақиллик" сўзин қадрин билгали,
Озодлик эркинлик, атрин билгали —
Барча ватандошлар Майдонга келин,
Эзгулик атлашми Айвонга келин.
Мана, йиғилмоқнинг келди мавриди,
Асли Ватан бизнинг катта ҳовлидир.
Ҳовли Айвонига келин, юзлашинг,
Фақат эзгуликлар ҳақда сўзлашинг.
Ким не ниҳат қилса, етсин муродга,
Келин, бир тушайлик энди суратга!

Ориф ТУХТАШ



ДУНЁ ВА ВАТАН

Башорат қилгандай Беруний бобом,
Шар шаклида экан жумлаи олам.
Улгурағимча йўқ дунёни кезиб,
Ватан тушунчасин сезмай, гоҳ сезиб —
Шу юрт тупроғида етдим вояга.
Баъзан исми юдим баланд қояга
"Энди номим қолар", деган уй билан.
Бугун-чи, ақлим ҳам ўсиб буй билан,
Уялиб кетаман қилмишларимдан,
Билмаганим кўндир билмишларимдан.
Айни дамда идрок этганим ушбу
Балки, кўнга оғир туюлар иш бу —
Ортада ном қолдирмоқ бирдан бир йўли —
Инсон заковати, заҳматкаш қўли,
Ватанга муриддай хизмат айламоқ,
ФИДОНИ деган бир қисмат сайламоқ!

ПОЙТАХТ

Тошкент — Ватанимнинг гўзал пойтахти,
Кундуз — кўёш тахти, тунда — ой тахти.
Бормоқда фусункор бир чирой очиб,
Кенглиги кун сайин тўрт томон "қочиб".
Ер ости, ер усти йўллари шинам,
Анҳорлари, мовий қўллари шинам.
Хайратдан қоқмайсиз ҳатто кўприклар,
Эшилб-буралган баланд кўприклар.
Хоҳ ул овда кезинг, хоҳланг пийда —
Сизга қўлайлиқлар шай ва зиёда.
Тонгда сув селинган кўча ярақлар,
Қўқаламзор ерлар, қатор дарахтлар —
Йил бўйи таратар баҳор нафасин,



Н.ХАЙДАРОВ фотолавҳаси

АНД КОНДЕРИДАН ОҚ ЛАЙЛАККАЧА


Тошкент ҳайвонот боғида 439 турдаги ноёб парранда ва ҳайвонлар парвариш қилинмоқда

Пойтахтимизнинг энг диққатга сазовор жойларидан бири, шубҳасиз, Тошкент ҳайвонот боғидир. 1924 йилда ташкил этилган ушбу маскан 1997 йилда янги ҳудудга кўчирилган, унинг шароити бутунлай яхшиланди. Утган ўн йилдан зиёд вақт мобайнида бу ерда яшовчи жонотлар тури 354 тага кўпайди. Бонинг флора ва фаунаси янада бойиб, ўзгача чирой касб этди. Тошкент ҳайвонот боғи 1998 йили Евроосиё минтақавий ҳайвонот боғлари ва аквариумлар ассоциациясига аъзо бўлди. Нью-Йорк «Ситез» конвенциясига аъзо бўлган эса, дунёнинг турли улкаларидан жониворлар сотиб олиш ва алмаштириш имконияти янада кенгайди. Яқинда Чехиянинг «Элин Лесна» ҳайвонот боғидан 20 дан зиёд ҳайвонот ва қушлар олиб келингани бунга мисол бўла олади.

Чехиядан турли хил тўтиқушлар, Қизилбўйин, Ибис, Жако қушлари ҳамда Беннета кенгуруси, Патагон мараси, сув

Агамаси сингари ҳайвонлар келтирилди, — дейди Тошкент ҳайвонот боғи директори ўринбосари Азиз Ирисметов. — Яқин орада бегемот, маймун ва бошқа ноёб ҳайвонларни ҳам олиб келиш ниятимиз бор. Маълумки, дунёдаги барча ҳайвонот боғларида, аввало, каммайиб бораётган экзотик ҳайвонлар ва қушларни асраб қолиш, турларини кўпайтириш, улардан насл олишга катта эътибор қаратилади. Масалан, Берлин ҳайвонот боғи филлардан, Новосибирск ҳайвонот боғи эса Амур йўлбарсларидан насл олиш билан шуғулланади. Тошкент ҳайвонот боғида эса йиртқич қушларни кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу борада муҳим натижаларга эришилди ҳам. Масалан, Анд Кондер йиртқич қушидан уч йил давомида, оқ лайлакдан доимий равишда насл олинмоқда. Бундан ташқари, Амур йўлбарслари ҳам тўрттага кўпайди. Ҳайвонлар ва қушларни боғнинг малакали мутахассислари парвариш қилишапти. Улар ҳаққаро конференцияларда қатнашиб, ўз малакаларини ошириб боришмоқда.

Умидя ЕҚУБОВА



Санъат

ИСТАМБУЛДА — "САМАРҚАНД ТҮЙЛАРИ"

Туркиянинг Истамбул шаҳридаги "Фитрат" маданият саройи. Саҳнага қўллариди қилич ва қалқон тутган қадим скиф, сўғд ва сак қабилалари аёллари мардона қадам ташлаб кириб келишди. Сўнгра зирҳли аскар либосида янада улғувор кўринган Тўмарис даврага қўшилиб рақсга туша бошлади. Қадим аждодларимизнинг тантанавор маросимларини акс эттирган бу саҳна кўринишидан залда гулдурас қарсақлар янгради...

Самарқанддаги "Эл мероси" тарихий либослар театри хориждаги ўз гастролларини ана шундай муваффақият билан ўтказмоқда. Бадий жамоанинг Туркияда намойиш этилган "Самарқанд тўйлари" шоу дастури томошаларнинг гултожи бўлди, десак янглишмаймиз. Унда ўз хурсандчилигини ўзгалар билан баҳам кўришга одатланган меҳмондўст самарқандликларнинг аждоиб удумлари миллий буюқларда,

тантанавор оҳангларда намойиш этилди. "Эл мероси" мамлакатимизни дунёга танитишда, маданий алоқаларни кенгайтиришда муҳим қадам бўлиши мумкин, — дейди театр бош режиссёри Г.Полимчук. — Шу боис, келгусида Германия, Бельгия ва Францияга ижодий гастроллар уюштиришга тайёргарлик кўраямиз. Т. ЗОҲИРОВ, "Адолат" мухбири

Адолат ҳамма нарсани ўз ўрнига қўя билишда. Цицерон

Равшан сакзинчи синфга ўтган ёзда уни отасининг ўрнига тўйга айтишди. — Қаравулон қишлоғилик Шодмон аканинга, ўғилчаларининг қўлини ҳалолларкан, — тайинлади Нурмат хабарчи. — Боргин, раҳматли отангининг руҳи шод бўлади. — Ростдан ҳам "тўй хати" да менинг номим борми? — ҳажонларани Нурмат хабарчига тиклиди Равшан. — Нима ичимдан чиқариб айтаяпманми? — ажабланди Нурмат хабарчи. — Бировнинг маърақаси бу, ука! Ёлгон айтишга худодан қўрқаман. Ишонмасанг, мана ўзинг ўқи!

иккита Шодмон бор-ку? Бириси сувчи, бириси магазинчи. — Худойкуловми, Худойназаровми... Худойкулов, Худойкулов Шодмон! — Узим ҳам ўша айтган бўлса керак, деб ўйловдим, — Пўлатой опанинг хечраси ёришди. — Шодмон аканинг ўғли Қаравулон қишлоғига қираверибди иккинчи ховли. Ака-укалар халиям бир ховлида яшашади. Шодмон ака раҳматли отанг билан қалин ўртоқ эди. Армияда бирга хиз-

ҳақда гапираяпсиз? — Қанақа байроқ бўларди болам, қизил байроқ-да. Уша пайларда пахтаси машинада терилган майдонлардаги ғўза барти тезроқ тўқилиши учун самолётдан дори сепиларди. Учувчилар ғўза қаторларини қолдириб кетмаслиги учун отанг самолётнинг йўлига қизил байроқ кўтариб учувчига йўл кўрсатарди. Самолёт пасайган сайин отанг қаддини тик тутар экан. Одамлар унинг ахволига ачиниб, келиб менга айтар-

Пўлатой опа ўзини чой қўйишга андармондай кўрсатиб, ўғлининг саволини жавобсиз қолдирди. — "Эл мероси" мамлакатимизни дунёга танитишда, маданий алоқаларни кенгайтиришда муҳим қадам бўлиши мумкин, — дейди театр бош режиссёри Г.Полимчук. — Шу боис, келгусида Германия, Бельгия ва Францияга ижодий гастроллар уюштиришга тайёргарлик кўраямиз. Т. ЗОҲИРОВ, "Адолат" мухбири

нинг обрўйини келажакда шулар кўтарди-да. Файзулла асалчи "шуям одамми" дегандек ёқсини ушлади. Унинг бу қилиғи Равшанга алам қилди, бир ўзи кетавермоқчиди бўлди-ю, Шукрулла муаллимни ўйлади. "Тўйда шу кишининг ёнида ўтираман", деб кўнглидан ўтказиб қўйди. Шодмон тоға ўғилларининг суннат тўйини уқаси Раҳмоннинг ўғиллари билан қўшиб ўтказавган экан. Равшан "Хўш келибсизлар" деб ёзилган алвондан тўйчи болаларнинг исмларини ўқиди. — Тўртта экан, — деди у секингина Шукрулла муаллимга. — Иккитаси Шодмон аканики, иккитаси Раҳмонжонники, — деди Шукрулла муаллим. — Икки кишининг жамғармаси бир тўйга харжланибди, демак, тўй зўр бўлиши керак. Равшан ўзи билан юзма-юз ўтирган бу одамни таниди — Шодмон магазинчи. — Буни қўверинг, ака-уканинг ахиллигини айтмаймизми, — деди унга жавобан Шукрулла муаллим. — Қолаверса, икки марта харажат қилгандан бир мартаси яқши-да. Қўшқ тинглаб, Равшаннинг юрагиди хижолик тарқиди. Бир пайт тумшуғи остида Салим бригадирнинг сержун қўли пайдо бўлди. У пиёлада лик тўла ароқни Равшанга узатиб турарди. — Ичмайман. — Ол, олавер, муаллимингдан уялма. Ҳозир унга қосада узатамиз, — Салим бригадир бёҳ-шув қулди. — Йўқ, ичолмайман! Орага Шукрулла муаллим тушди: — Салимжон, Равшан ўғлининг қатори бола. Ёш бола билан тортишиб ўтирасизми? — Бўлмаса ўзингиз оласиз. Менинг қўлим ҳеч қайтмаган. Шукрулла муаллим пиёламини қўлга олди. (Давоми келгуси сонда)

Ижод, истеъод ва меҳнат доимо қадр топган, эъзозланган. Қуни кеча "Машвал" радиоканали орқали эфирга таралган "Ижодкор бахти" номли эшиттириш айна ушбу ҳақиқат исботи бўлди. Эшиттиришда салкам эллик йилдан буён сиёсий шарҳловчиликнинг оғир ва масъулиятли юкни ўз елкасида кўтариб келатган, элимиз эътиборини қозонган фидойи калам соҳибиди Ҳайат Солиевнинг ижоди ҳамда ҳаёт йўли атрофида ёритиб берилди. Эфирни безаган "Ижодкор бахти"да сиёсий шарҳловчининг шоғирдлари, муҳлислари, дўстлари — таникли ёзувчи ва таржумон Амир Файзулла, сиёсий шарҳловчилар — Қобилбек Каримбеков ва Шарофиддин Тулаганов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбахор Сулаймонова унинг узоқ йиллар мобайнида мамлакатимиз ташқи сиёсатини, халқаро муносабатларнинг ҳозир, мураккаб муаммоларини ёритиш соҳасидаги сержурни, камтарона меҳнати, инсоний хислатлари тўғрисида сўз юритдилар. Кўпчилик радиотингловчиларга манзур бўлган ушбу эшиттиришнинг юзига келишида муаллиф Мунираҳон Ганиева, оператор Зўрро Икромова, режиссёр Лола Шодиева ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди. Хуллас, ижод ва меҳнат қадр топган бундай эшиттиришлар эфирни безаш билан бирга ёш авлодни Ватанга, элга, меҳнат-сиёсий шарҳловчилар — Қобилбек Каримбеков ва Шарофиддин Тулаганов, Ўзбекистонда

Футбол
ЁШЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА
бронза медаллари билан тақдирланди
Доха (Қатар)да футбол бўйича ёшлар ўртасида аънанавий "Дўстлик-2008" халқаро турнири бўлиб ўтди. Еттинчи маротаба уюштирилган мазкур мусобақада мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Хитой, Германия, Кипр, Миср, Япония ва Польша ёшлар терма жамоалари гوليблик учун кураш олиб боришди. Турнирнинг "А" гуруҳида Қатар, Хитой, Кипр вакилларига қарши майдонга тушган Аҳмад Убайдуллаев шоғирдлари бирмунча ишончли ўйин намойиш этидилар. Ёшларимиз гарчи хитойлик тенгдошларига (0:2) имкониятни бой беришган бўлсалар-да, Қатар ва Кипр футболчилари устидан (2:1, 3:0) зафар кучишди. Ярим финал баҳсида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига бироз омад етишмади. Натияжада поляшляклардан 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраб, финал йўлланмасидан қурак қилишди. Учинчи ўрин учун кенган учрашувда эса ёшларимиз собиқ гуруҳдошлари — Хитой футболчиларидан мунослик "ўч" олдилар: ҳисоб — 2:1. Тўғларнинг ҳар иккаласини ҳам Алишер Азизов киритди. Мусобақа финалида Япония — Польша терма жамоалари ўзаро рўбару келишди. Унда қучкичар юрт футболчилари рақиблари дарвозасига жавобсиз 6 та тўп йўллар, беш соврин — 80 минг доллар соҳибига айландилар. А.ТУРДИЕВА

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКІСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСІЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир
Холтўра ШАҒОАТОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатта олинган
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; факс — 233-40-86; котибият — 236-55-96; реклама бўлими — 233-41-89
Маълум: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турғунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмонил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Татъят МУРОДОВ

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди
• «Адолат»дан кўчириб босиб фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.
Нашр индекси — 100
Навбатчи — Ҳ.УДАЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи — Л. ТУРСУНОВ